

ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛ ТУШУНЧАСИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Саидов Джурабек Жалолович

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура
ТИНГЛОВЧИСИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19240384>

Аннотация. Мазкур мақолада электрон ва рақамли далиллар тушунчасининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллифлар томонидан миллий ва хорижий қонунчилик, шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари асосида электрон ва рақамли далилларнинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзаро фарқлари очиқ берилган. Шунингдек, амалдаги қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар танқидий таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: далил, электрон далил, рақамли далил, электрон маълумотлар, ахборот технологиялари, хеш функция.

Аннотация. В данной статье проанализированы теоретико-правовые аспекты понятия электронных и цифровых доказательств. На основе анализа национального и зарубежного законодательства, а также научных взглядов ученых раскрыта сущность, особенности и различия электронных и цифровых доказательств. Кроме того, выявлены пробелы в действующем законодательстве и предложены научно обоснованные рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: доказательство, электронное доказательство, цифровое доказательство, электронные данные, информационные технологии, хеш-функция.

Abstract. This article analyzes the theoretical and legal aspects of electronic and digital evidence. Based on the study of national and foreign legislation, as well as scholarly opinions, the essence, characteristics, and differences between electronic and digital evidence are revealed. The article also identifies gaps in current legislation and proposes scientifically grounded recommendations for their improvement.

Key words: evidence, electronic evidence, digital evidence, electronic data, information technology, hash function.

Бугунги кунда ахборот технологиялари жадал равишда ривожланиб, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига чуқур кириб бормоқда. Ахборот технологиялари том маънода инсонларга жамиятдаги ижтимоий муаммоларини қисқа вақт ичида кам куч сарфлаган ҳолда ҳал қилишга имконият бермоқда. Бироқ, шу билан бир қаторда, жинойтчиликнинг янги шакллари ривожланишига, янги таҳдидларни юзага келишига шарт-шароит яратиб бермоқда¹.

Ҳозирги кунга келиб йилига ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 1 % ни ташкил этмоқда².

¹ А.Й.Абдуллаев Ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос жиҳатлари

² <https://www.statista.com>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.02.2026 й)

Жаҳон иқтисодий форумининг (WEF) 2023 йилги “Глобал хавфлар” ҳисоботида киберхавфсизлик жаҳон бўйича ҳозирги ва келажакдаги энг катта 10 хавф қаторига киритилган³. Cybersecurity Ventures маълумотларига кўра, 2025 йилга келиб ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг дунё бўйича етказадиган зарари миқдори 10,5 триллион долларга етиши кутилаётганлиги⁴ ҳам ушбу масалани қанчалик долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Юқорида таъкидланганидек, ахборот технологиялари гарчи бир томондан инсонларнинг ҳаётларини тобора энгиллаштираётган бўлсада, иккинчи томондан кундан кунга юзага келаятган жиноятларни содир этишнинг янги замонавий усуллари ижтимоий муносабатларини мураккаблаштираётган. Содир этилган жиноятларни фош этилиши жуда паст эканлиги фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончини йўққа чиқармоқда. Буни биз 2023-2025 йилларда ахборот технологиялар ёрдамида содир этилган жиноятлар **14,2** баробарга (**5 400 тадан 76 852 тага**), ахборот технологиялар ёрдамида содир этилган жами жиноятлар улуши эса **7,2%** дан **49,6%** гача ошганлигидан⁵ ҳам кўришимиз мумкин.

Шундан экан бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларни фош этиш масаласи жуда долзарб ҳисобланади. Ўз навбатида бундай жиноятларни фош этишда электрон далилларнинг ўрни бекиёс саналади. Чунки ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги турдаги далиллар — **электрон ва рақамли далилларнинг** пайдо бўлишига олиб келди.

Компьютерлар, интернет, мобил қурилмалар ва ахборот тизимлари кенг қўлланилиши натижасида жиноятларни содир этиш усуллари ҳам ўзгарди ва бу ҳолат жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, сақлаш ва баҳолашда янги илмий-амалий ёндашувларни талаб қилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги ахборот-технологиялари энг ривожланган даврда компьютер ахбороти ўзининг ўзига хос шакли, мавжудлик муҳити, шаклланиш механизми ҳамда уни жиноят процессида далил сифатида киритиш ёки далилга айлантириш усулидан келиб чиққан ҳолда далилларнинг янги тури ҳисобланади⁶.

Электрон далиллар ҳақида фикр юритишдан аввал ўзи у қандай далил эканлиги, ашёвий ва ёзма далиллардан қандай фарқ қилиши ҳақида мулоҳаза юритишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Электрон далил тушунчаси ҳақида фикр юритишдан аввал далил тушунчасига таъриф берадиган бўлсак. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддасига кўра, далил бу – ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил

³ <https://www.forbes.com/councils/forbestechcouncil/>/(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.02.2026 й)

⁴ <https://www.esentire.com/resources/library/>/(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.02.2026 й)

⁵ Статистик маълумотлар

⁶ Зигура Н.А. Компьютерная информация как вид доказательств в уголовном процессе России // Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Челябинск, 2010.

хисобланади”⁷.

Далил ҳақидаги ушбу таъриф Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида келтирилган ўзгармас қатъий бўлиб, жиноят процессида далиллар тушунчаси марказий аҳамият касб этади.

Далиллар – бу фактлар тўғрисидаги маълумотлардир. Инсон онгида предметлар, нарсалар эмас, балки уларнинг манзаралари, тушунчалари ва улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Ҳақиқий маълумотлар – бу қонуний манбалардан олинган фактлар тўғрисидаги маълумотлардир. Жиноят процессуал қонунчиликда эса фактлар тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий маълумотлар деб юритилади⁸.

Ҳозирги кунда турли ҳуқуқий адабиётларда “рақамли далиллар”, “электрон маълумотлар” ва бошқа шу каби тушунчалар тез-тез учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни⁹ асосида Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига электрон маълумотлар ва рақамли далиллар тушунчаси кириб келди.

Эътиборли жиҳати, ЖПКга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар натижасида қонунчилигимизга “электрон далил” эмас, балки “электрон маълумотлар” ва “рақамли далил” тушунчаси киритилди.

Қонунга кўра, электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир. Рақамли далиллар эса иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллардир¹⁰.

Электрон далиллар ҳақида сўз юритишдан аввал қонунчиликда акс этирилган “электрон маълумотлар” тушунчасини чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ кўрилади.

“Электрон” сўзининг луғавий маъноси сифатида энг кичик манфий электр зарядига эга бўлган элементар заррача эканлиги келтирилган¹¹.

“Маълумот” сўзининг луғавий маъноси сифатида эса иш, далил бўла оладиган ҳужжат, рақам ва шу каби материаллар эканлиги назарда тутилган¹².

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111463/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.02.2026 й)

⁸ Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. // Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. – 136 б.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 03/24/1003/0943-сон // <https://www.lex.uz/acts/7228758>

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111463/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.02.2026 й)

¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2016-2018. – Б. 32.

¹² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.І. – Т., 2016 – Б.564. // <http://n.ziyouz.com>.

Гарчи қонунчилигимизда “электрон далил” деган тушунча ўз ифодасини топмаган бўлсада, назарияда электрон маълумолар ва рақамли далиллар электрон далил тарзида ифода этиб келинмоқда. Бироқ ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар ўртасида “рақамли” ёки “электрон” далил тушунчасини қонунчиликда белгилаш борасида турли хил қарашлар мавжуд.

Хусусан, профессор Ф.Ибратова ва бошқа ўзбек олимлар электрон далиллар сифатида электрон ташувчида белгилар тўплами, овоз ёзуви ёки тасвир кўринишида қайд этилган ва вақт ҳамда маконда техник воситалар орқали узатишга мўлжалланган ахборотни тушуниш лозимлигини таъкидлайдилар¹³.

Ўз навбатида, ҳуқуқшунос олим О.Ш. Пирматов: “электрон далил – техника воситаларидан ва ахборот тизимларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилган, ишлов бериладиган, сақланадиган ҳамда уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган фуқаролик суд иши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотдир”¹⁴ деган тушунчани илгари суради. Шу билан бирга, олим рақамли далиллар тушунчасига ҳам эътибор қаратган. Унинг фикрича, рақамли далил – иқтисодий процессуал ҳуқуқда тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар бор ёки йўқлигини суд томонидан аниқлашга асос бўлиб хизмат қиладиган ҳар қандай фактик маълумот ва иқтисодий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда иккилик санок системаси асосида яратилган далиллардир¹⁵.

О.Ш. Пирматов томонидан илгари сурилган фикрларни таҳлил қилсак, олим электрон далил тушунчаси рақамли далилларга нисбатан кенгрок деб ҳисоблаган.

Бизнинг фикримизча, Ф.Ибратова, О.Ш. Пирматов ва бошқа ўзбек олимлари томонидан берилган таърифларни тўлиқ деб ҳисоблай олмаймиз. Уларнинг таърифларида электрон ва рақамли далилларнинг юридик табиати ва уларни бир-биридан фарқловчи хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаган.

В.Романиук ва С.Абламскийлар эса “электрон” ва “рақамли” атамаларни бир феноменни ифода этувчи синонимлар деб ҳисоблайди; “электрон” – ахборот сақланадиган қурилманинг табиатини, “рақамли” эса ёзув шаклини (битлар, код) кўрсатади холос¹⁶.

Н.А. Ивановнинг таъбирича, “компьютер”, “электрон” ёки “рақамли далиллар” атамалари фақат шартли номланишлардир. Унга кўра, улар алоҳида ёки мустақил турдаги далиллар ҳисобланмайди¹⁷.

¹³ Ibratova F., Urunova G., Nishonov D., Ibragimova A. Legal issues of electronic evidence in the economic process. Правовые вопросы электронного доказательства в экономическом процессе.

¹⁴ Пирматов О.Ш. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларинини юретишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари. юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация. 2020. – Б. 38.

¹⁵ Пирматов О.Ш. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларинини юретишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари // юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация – Т.; ТДЮУ. 2020. Б. 38. Ўша жойда – Б. 38–39.

¹⁶ Romaniuk, V., & Ablamskyi, S. (2024). Criteria for the admissibility of digital (electronic) evidence in criminal proceedings. Law and Safety. <https://doi.org/10.32631/pb.2024.2.13>.

¹⁷ Иванов Н.А. Цифровая информация в уголовном процессе // Библиотека криминалиста. 2013. № 5 (10). С. 99.

Профессор В.Б. Веховнинг фикрича, “электрон далиллар – бу электрон шаклда тақдим этилган ҳар қандай маълумотлар (хабарлар, маълумотлар)” ҳисобланади¹⁸.

М.И. Ворониннинг таъбирича эса “электрон далиллар – бу электрон ҳужжатда ва/ёки электрон ахборот ташувчида мавжуд бўлган маълумотлар бўлиб, улар асосида исботлаш субъектлари исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди”¹⁹.

Ушбу олимлар электрон далилни ашёвий далилнинг бири тури сифатида эътироф этишган. Бироқ, таърифдаги “электрон” тушунчаси етарлича илмий асосга эга эмаслиги сабабли, ушбу таърифларни ҳам тўлиқ деб айта олмаймиз.

Бу борада бошқа олимларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқсак.

Жумладан, Р.И. Оконенко ўз тадқиқотида электрон далил тушунчасини илгари суради. Унинг фикрича, ҳозирда “электрон далиллар” тушунчаси тўғрисида позитив ҳуқуқ категорияси сифатида сўз юритишга эрта. Шу боис, электрон далил – алоҳида далил тури ҳисобланмайди²⁰.

Шунга ўхшаш фикр П.С. Пастухов тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади. Олим Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексига янги далил турини (электрон далил) ёки янги манбани (электрон ахборот ташувчи) киритиш шарт эмас, балки “далил” тушунчасини аниқлаштиришнинг ўзи кифоя қилади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, маълумотлар электрон шаклда бўлади, бироқ улар анъанавий далилларнинг бир тури ҳисобланади²¹.

Р.И. Оконенко ва П.С. Пастуховларнинг фикри тўғри деб ҳисобланса, унда процессуал қонунчиликка биноан мазкур далилларни тўплаш, сақлаш, текшириш ва баҳолаш мезонлари ҳам (ашёвий ёки ёзма далиллар сингари) бир хил бўлмоғи зарур. Бироқ, рақамли далиллар анъанавий далилларга ҳеч бир мезон бўйича тўғри келмайди. Шу боис, мазкур фикрлар ҳам амалда ўз тасдиғини топмаган.

Бошқа олимлар эса “рақамли далил” тушунчасини илгари суришмоқда.

Шон Гудисон, Роберт Девис, Брайнларнинг фикрича, рақамли далил – шахслар ва ҳодисаларни вақт ва муҳитдаги сабабий боғланишларини аниқлашга қаратилган ахборотдир. Мазкур далиллар кенг миқёсли характерга эга бўлиб, улар ўзига хос таъсирчан, мобил ва моддий далилларга нисбатан махсус тайёргарлик ва воситаларни талаб қилади²².

Ушбу таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, уни анъанавий далил турларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шу боис, унда рақамли далилларга хос бўлган хусусиятлар етарлича акс этмаган деб, ҳисоблаш мумкин.

¹⁸ Вехов В. Б. Электронные доказательства: проблемы теории и практики //Правопорядок: история, теория, практика. – 2016. – №. 4 (11). – С. 46-50.

¹⁹ Воронин М.И. Электронные доказательства в УПК: быть или не быть // Наука криминального цикла Jus Criminal.

²⁰ Оконенко Р.И. «Электронные доказательства» и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны личной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2016.

²¹ Пастухов П.С. О развитии уголовно-процессуального доказывания с использованием электронных доказательств // СПС «Консультант Плюс».

²² Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson. Digital Evidence and the U.S. Criminal Justice System – Identifying Technology and Other Needs to More Effectively Acquire and Utilize Digital Evidence. 2015.

Ричард Сеферстейн рақамли далилларни “1” ва “0” санок тизими орқали сақланадиган, дастур ёки кодда ўрнатилган кўрсатмалар (йўриқнома) орқали чиқариб олинадиган ахборот сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, ушбу кўрсатма (йўриқнома)лар орқали фото, матн ёки электрон жадвал шаклидаги ҳар қандай ахборотни яратиш ва сақлаш мумкин. Бундай усулда сақланган далилларни қидириш ва улардан фойдаланиш суд экспертизасини ўсиб борувчи соҳаси ҳисобланади. Мазкур соҳа технологияларни ривожланиши билан доимо ўзгариб туради²³.

Ушбу таъриф рақамли далилларнинг мақбуллиги ва яхлитлигига оид хусусиятларни қамраб олмаган. Шу билан бирга, таъриф амалий характерга эга. Бироқ, назарияда рақамли далилларнинг шакли фақат “1” ва “0” санок тизимидан иборат эмас.

Йохан Кесей (Eoghan Casey) рақамли далиллар ёки электрон далиллар суд процесси томонлари суд муҳокамасида фойдаланиши мумкин бўлган, рақамли шаклда сақланган ёки узатилган ҳар қандай далилий маълумотдир²⁴.

Андре Арнес эса рақамли далилларни ҳодиса ёки жиноят гипотезасини тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган, ишончли маълумотларни ўз ичига олган ҳар қандай рақамли ахборот сифатида таърифлаган²⁵.

Йохан Кесей ва Андре Арнеслар томонидан берилган таърифларда рақамли далилларни яхлитлигини (хеш қиймат) таъминлаш билан боғлиқ масалалар акс этмаган. Шу боис, ушбу таърифларда ҳам камчиликлар мавжуд.

А.Ю. Черданцев эса ўз тақдиротларида рақамли (электрон) далил тушунчасини илгари сурган. Унинг фикрича, рақамли (электрон) далил – далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни иккилик санок шаклида сақлаган ёки узатилган ахборотдир²⁶.

Фикримизча, олим томонидан тақдирот этилган “рақамли (электрон) далил” атамаси унга берилган таърифнинг техник хусусиятларига мос эмас. Шу билан бирга, таърифда электрон далилнинг хусусиятлари ва фарқловчи белгилари акс этмаган. Бундан ташқари, рақамли далиллар тушунчасини фақат жиноят ҳуқуқий соҳалари билан чегаралаш, уни тор доирада ишлаб чиқилганлигини тасдиқлайди. Сабаби, рақамли далиллар тушунчаси барча процессуал ҳуқуқ соҳалари учун бир хил мазмун ва шаклга эга.

“Рақамли далил” тушунчаси борасида тақдиротчи Б.Каримов томонидан берилган таъриф ҳақиқатга анча яқин. Унинг фикрича, рақамли далил – рақамли қурилма ва тармоқда сақланган ёки улар орқали узатилиши билан инсон омили ёхуд кибер жараён натижасида юзага келган иш учун аҳамиятли, қийматланган ахборотдир²⁷.

²³ Saferstein, Richard. A Simplified Guide To Digital Evidence. National Forensic Science Technology Center@NFSTC Largo, Florida 2015.

²⁴ Casey, Eoghan (2004). Digital Evidence and Computer Crime, Second Edition. Elsevier. ISBN 0-12-163104-4.

²⁵ Andre Arnes. “Digital Forensics”. Hoboken, Norway. John Wiley & Sons Ltd, 2018. – P. 7.

²⁶ Xamidov B.X., Karimov B.Z. Some issues in the development of the national cyber security strategy: problem and analysis. Europe, science and we | Европа, veda a my | Европа, наука и мы Education and Science, Czech Republic. 2020. – P. 63.

²⁷ Khamidov, B. (2022). GENERAL THEORETICAL ISSUES RELATED TO ELECTRONIC OR DIGITAL EVIDENCE: PROBLEM AND SOLUTION. Criminology and Criminal Justice. <https://doi.org/10.51788/tsul.cj.1.1./pcpb3884>.

Маълумки, рақамли далилларнинг қийматланиши (хеш функция) уларнинг яхлитлиги ва ишончлигини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Бироқ, берилган таърифда рақамли далилларнинг шакли билан боғлиқ масалалар очик қолган. Шундай бўлсада, таъриф нисбатан пухта ва аниқ ишлаб чиқилган.

О‘з DSt ISO/IEC 27037:2017 стандартида “рақамли далил” рақамли исботлар (digital evidence) сифатида келтирилган бўлиб, унга кўра, исбот сифатида фойдаланиш мумкин бўлган иккиламчи код кўринишида сақланадиган ёки узатиладиган ахборот ёки маълумотлар²⁸.

Бу борада ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига эътибор қаратадиган бўлсак, БМТнинг Гиёхвандлик ва жинойтчиликка қарши Бошқармасининг махсус порталида “Электрон (ёки рақамли) далиллар - бу исботловчи қиймати эга бўлган ва рақамли шаклда сақланадиган ёки узатиладиган ҳар қандай маълумотдир”²⁹ деб таърифланган.

Барчамизга маълумки, электрон далиллар ўз хусусиятига кўра ашёвий далил ҳам, ёзма далил ҳам ҳисобланмайди. Электрон далиллар моддий оламдан фарқли ўлароқ электрон маконда мавжуд бўлади ва ушбу макондагина ўзидан муайян излар қолдиради. Айнан мазкур излар ёрдамида биз уни яратган ва у орқали жинойт содир этган шахсни аниқлашимиз мумкин бўлади. Шу нуқтайи назардан айрим ривожланган мамлакатларнинг қонунчилигида электрон (рақамли) далил тушунчалари мавжуд бўлиб, бугунги кунда жинойтга алоқадор бўлган электрон (рақамли) маълумотлар иш ҳужжатларига қўшилиб, суд ва тергов жараёнига тақдим этиб келинмоқда. Бу эса ушбу турдаги жинойтларни фош этиш самарадорлигини ошишига, шахснинг ҳаракатларини тўлиқ таснифлашга имкон бермоқда.

Жумладан, АҚШ Стандартлар ва технологиялар миллий институти (National Institute of Standards and Technology) рақамли далил тушунчаси хусусида Йоган Кесей томонидан берилган таърифга иқтибос келтиради³⁰.

Эътиборлиси, АҚШ Миллий адлия институти (National Institute of Justice – NIJ) эса рақамли далил ва электрон далил тушунчаларининг ҳар бирга алоҳида таъриф берган. Унга кўра, рақамли далил – бинар шаклда сақланган ёки узатиладиган, судда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотдир³¹. Электрон далил эса – электрон қурилмада сақланадиган ёки ўтказиладиган, тергов учун қимматли ахборот ва маълумотдир³².

Буюк Британиянинг Полиция катта офицерлари Ассоциацияси (кейинги ўрин-ларда АСРО деб юритилади)нинг “Компьютер базасидаги электрон далиллар учун энг яхши амалий қўлланма”сида (4-версия) компьютер электрон далили тушунчасидан

²⁸ Рақамли исботларни идентификация қилиш, йиғиш, олиш ва сақлаш бўйича раҳбарий кўрсатмалар О‘з DSt ISO/IEC 27037:2017

²⁹ БМТнинг Гиёхвандлик ва жинойтчиликка қарши Бошқармасининг махсус портали. Интернет саҳифаси // <https://sherloc.unodc.org/cld/ru/st/evidence/electronic-evidence.html>.

³⁰ U.S. Department of Justice Office of Justice Programs National Institute of Justice. Electronic Crime Scene Investigation: A Guide for First Responders, Second Edition. 2001. – P. 49.

³¹ Черданцев А.Ю. Понятие цифровых доказательств, современное состояние и их роль в доказательственном процессе. Юридическая наука и практика. 2019. Том 15, № 4. С. 55-60. DOI: 10.25205/2542-0410-2019-15-4-55-60.

³² Каримов Б.З. Рақамли далиллар категориясининг илмий-назарий масалалари. Илмий мақола – Т.: TDYU Yuridik fanlar axborotnomasi – Вестник юридических наук – Review of Law Sciences. 5 (2020) – Б. 168. (Б. 168–172).

фойдаланилган. Унга кўра, компьютер электрон далили бу – компьютерда сақланган ёки у орқали узатиладиган, тергов учун аҳамиятига эга бўлган ахборот ва маълумотлардир³³.

Рақамли далиллар бўйича АСРО амалий қўлланмасида (5-версия) эса рақамли далил тушунчасидан фойдаланилган, бироқ унга алоҳида таъриф берилмаган.

Украинанинг Маъмурий суд ишлари тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал ва Хўжалик-процессуал кодексларида далилнинг алоҳида тури сифатида электрон (рақамли) далил кўрсатилиб, унга тушунча берилган ва бу турдаги далилларни сақлашга оид қоидалар киритилган.

Шунингдек, Белоруссиянинг Жиноят-процессуал кодекси ҳам компьютердаги электрон маълумотларни кўздан кечиришга оид янги нормалар билан тўлдирилди. Филиппиннинг суд-ҳуқуқ органларининг алоҳида қўшма қарори билан “Электрон далиллар ҳақидаги қоидалар” тасдиқланган. Қатарда 2014 йил 14 сентябрда “Кибержиноятларнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонун билан прокурорларга, терговчиларга жиноят учун аҳамиятга эга бўлган ахборот тизимларини электрон (рақамли) далилларни аниқлаш ва олиш мақсадида тинтув қилиш ҳуқуқи берилган³⁴.

Мантиқан “далил” тушунчаси иш учун аҳамиятга эга бўлган муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликни муқаддам ҳақиқатда юз берганлик фактини тасдиқлайди. Мисол учун ходиса жойидан бармоқ излари топилганда, терговчи муқаддам жиноятчи томонидан қолдирилган изларни топади, олади ва қайд қилади, бироқ изларни ўзи яратмайди ёки ҳосил қилмайди. Рақамли далиллар билан ишлашда ҳам мазкур қоида амал қилади. Терговчи муқаддам жиноятчи томонидан қолдирилган далилларни қидириб топади, олади ва ҳужжатлаштиради. Шу боис, рақамли ахборотларни “яратиш” ва “қайта ишлаш” билан боғлиқ жараёнлар рақамли далил тушунчасини шакллантиришда иштирок этмайди.

Демак, рақамли далил – рақамли қурилма ёки тармоқда рақамли шаклда сақланган ёки узатилган, иш учун аҳамиятли қийматланган ахборотдир. Мазкур таъриф рақамли далилларнинг мазмун-моҳиятини, шакли, хусусиятлари ва мақбуллиги билан боғлиқ масалаларни қамраб олади³⁵.

Ушбу хусусда шуни таъкидлаш керакки, электрон сўзи кўпроқ умумийликка эга бўлиб, асосан, далилларнинг шаклига нисбатан қўлланилади. Рақамли сўзи кўпроқ хусусийлик касб этиб, асосан бирор бир далил аниқ, ўзгармас ва қатъий маълумотларни сақласа, рақамли далил сўзи қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Буни қуйидаги мисолдан фарқлаб олишимиз мумкин, яъни электрон дастур билан ишловчи ташкилотнинг ходими томонидан муайян ҳуқуқ берувчи расмий ҳужжат электрон тарзда имзоланганда ушбу электрон тарзда имзоланган ҳужжатнинг компютер воситасида

³³ АСРО Good Practice Guide for Computer-Based Electronic Evidence. Official release version 4.0. – P. 6–66.

³⁴ Норова Н. Мутахассиснинг электрон далиллар билан ишлашда ҳамда исбот қилишдаги иштироки: муаммо ва ечим. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 06 (2024) / ISSN 2181-1415/ <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>

³⁵ Khamidov B. GENERAL-THEORETICAL ISSUES RELATED TO DIGITAL EVIDENCE: PROBLEM AND SOLUTION // Norwegian Journal of Development of the International Science. 2021. №63-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/general-theoretical-issues-related-to-digital-evidence-problem-and-solution> (дата обращения: 23.03.2026).

сақланувчи файли, жумладан пдф, рақамли далил бўлиб, мазкур файлда ёки махсус дастурда ушбу ҳужжатнинг қачон яратилганлиги, имзоланганлиги ва юклаб олинганлиги каби рақамли ўзгармас ва қатъий маълумотлар акс этади³⁶.

Рақамли далилларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, далилнинг факт сифатида тан олинishi учун унинг мақбуллиги ва юқори статистик аниқликка эгаллиги ҳисобланади.

Юқорида келтирилган олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб, электрон далил ва рақамли далилни бир маънода қўллаш мумкин эмас деган хулосага келдик. Зеро, рақамли далил – бинар шаклда сақланган ёки узатиладиган маълумот бўлса, электрон далил – электрон қурилмада сақланадиган ёки ўтказиладиган маълумот саналади.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган “электрон маълумотлар” тушунчаси қуйидагиларга кўра тўлиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

биринчидан, мавжуд таъриф техник хусусиятларга (иккилик код, рақамли имзо, шифрлаш) етарлича тўхталмаган. Бу жиноят процессида электрон маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишда муаммо туғдиради, чунки далилларнинг мақбуллиги техник формат ва хусусиятларга ҳам боғлиқ;

иккинчидан, таърифда маълумотларнинг “яратилиши, ишлов берилиши ва сақланиши” кўрсатилган, лекин узатилиши ва қайта ишланиши (таҳлил, шифрлаш) каби муҳим функциялари эътиборсиз қолган;

учинчидан, таърифда электрон маълумотларнинг далилий аҳамияти ва қонуний муҳофазаси кўрсатилмаган. Жиноят ишларида бу маълумотлар кўпинча сир тутилиши керак бўлиб, уларни тўплашда махсус процессуал тартибга риоя қилиш талаб қилинади, лекин таърифда бу ёритилмаган.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар ва таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 204¹-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги янги таҳрирда баён этишни таклиф қиламиз:

“Электрон маълумотлар электрон қурилмалар, ахборот тизимлари ва замонавий ахборот технологиялари орқали иккилик код форматида яратиладиган, сақланадиган, ишлов бериладиган ёки узатиладиган ва қонун билан муҳофаза қилиниши лозим бўлган маълумотлардир”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев А.Й. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос жиҳатлари.
2. Statista. – URL: <https://www.statista.com> (мурожаат санаси: 20.02.2026).
3. Forbes. – URL: <https://www.forbes.com> (мурожаат санаси: 20.02.2026).

³⁶ Мадатов М.М & Х.Турсунбеков. (2025). ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ. PEDAGOGS, 76(1), 114-120. <https://scientific-jl.com/ped/article/view/3533>

4. eSentire. – URL: <https://www.esentire.com> (мурожаат санаси: 20.02.2026).
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – URL: <https://lex.uz/docs/111463> (мурожаат санаси: 20.02.2026).
6. Зигура Н.А. Компьютерная информация как вид доказательств в уголовном процессе России: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2010.
7. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2016.
8. Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. – URL: <https://lex.uz/acts/7228758>
9. Ўзбек тилининг изохли луғати. – Тошкент, 2016–2018.
10. Ibratova F., Urunova G., Nishonov D., Ibragimova A. Legal issues of electronic evidence in the economic process.
11. Пирматов О.Ш. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида электрон далиллар. – Тошкент, 2020.
12. Romaniuk V., Ablamskyi S. Criteria for the admissibility of digital evidence in criminal proceedings // Law and Safety, 2024.
13. Иванов Н.А. Цифровая информация в уголовном процессе // Библиотека криминалиста, 2013. №5.
14. Вехов В.Б. Электронные доказательства: проблемы теории и практики // Правопорядок, 2016.
15. Воронин М.И. Электронные доказательства в УПК // Jus Criminal.
16. Оконенко Р.И. Электронные доказательства и защита прав граждан. – М., 2016.
17. Пастухов П.С. О развитии уголовно-процессуального доказывания // Консультант Плюс.
18. Goodison S., Davis R., Jackson B. Digital Evidence and the U.S. Criminal Justice System. – 2015.
19. Saferstein R. Digital Evidence Guide. – NFSTC, 2015.
20. Casey E. Digital Evidence and Computer Crime. – Elsevier, 2004.
21. Arnes A. Digital Forensics. – Wiley, 2018.
22. Khamidov B. Digital Evidence: Problem and Solution // Norwegian Journal, 2021.
23. O‘z DSt ISO/IEC 27037:2017.
24. UNODC Electronic Evidence Portal. – <https://sherloc.unodc.org>
25. NIJ. Electronic Crime Scene Investigation Guide. – 2001.
26. ACPO Good Practice Guide for Digital Evidence.
27. Норова Н. Электрон далиллар билан ишлаш муаммолари // Жамият ва инновациялар, 2024.
28. Мадатов М.М., Турсунбеков Х. Электрон далил тушунчаси тарихи // PEDAGOGS, 2025.